

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙОСИЙ-ИЈТИМОЙ ГАЗЕТАСИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 ноябрь куни Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутаты Нариаки Накаямани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Япониядаги таниқти бу сиёсий арбоб мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини мамнуният билан таъкидлади.

— Япония Ўзбекистонга турли йўналишлар, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари, шунингдек, сув танқислиги муаммосини бар-тарф этишда бегараз ёрдам кўрсатиб келаётганини алоҳида таъкидламоқ керак, — деди Президент Ислам Каримов. — Ўн миллионлаб АҚШ доллари билан ўлчанадиган мазкур лойиҳаларни амалга оширишда Сизнинг ҳиссангиз ҳам катта.

Шуни айтиш жоизки, давлатларимиз ўртасида дипло-



матия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўзаро борди-келди ва олд-сотди, шунингдек, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларимиз ривожланиб келмоқда.



Юртимизга Япониядан давлат арбоблари, парламент аъзолари, сиёсий партиялар етакчилари, йирик ишбилармонлар тез-тез ташриф буюраётгани, Тошкентда ҳар

йили Япония маданияти кунлари ўтказилиб тургани, бир қанча япон фирмалари, агентлик ва ташкилотлари ваколатхоналари самарали фаолият кўрсатаётгани шун-

дан далолатдир. Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фаол қўллаб-қувватлаб келаётган хорижлик шерик-

лар орасида Япония алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган япон сармояси 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида ўзаро савдо ҳажми 133,1 миллион долларга тенг бўлди. Ўтган йили бу кўрсаткич 71,2 миллион долларни ташкил этганди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

◆◆◆

Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов Япония парламенти Вакиллар палатасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган депутати Нариаки Накаяма билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик жадаллик билан ривожланиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, таълим, экология, фан ва маданият соҳаларидаги алоқалар диққатга моликдир.

Учрашувда икки мамлакат парламенти ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш масаласи юзасидан фикр алмашилди. Томонлар Ўзбекистон — Япония ҳамкорлиги бу жабҳада ҳам самарали давом этаётганини таъкидлади.

Япониялик меҳмон Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

■ (ЎзА)

АЛЛОМА ШОИР — 124 ЁШДА

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университети-нинг Маданият саройида Покистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда Покистоннинг буюк шоири, файласуф ва давлат арбоби Мухаммад Иқбол таваллудининг 124 йиллигига бағишланган тадбир ўтказди. Унда Покистоннинг Ўзбекистондаги жамоат аъзолари, таниқли олим ва журналистлар

катнашдилар. Покистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Фазал Гофир жаноби олийлар Мухаммад Иқболнинг Покистон адабиёти ва тарихига қўшган ҳиссаси хақида гапирди.

Миллий университет, Шарқшунослик институти ва Шарқшунослик лицейи талабалари аллома шайра-рини урду тилида ўқиб, кечага файз киритдилар.

■ (Ўз мухбиримиз)

ХРОНИКА

МОЗОРИ ШАРИФ, ТАҲОР, ҚУНДУЗ ЗАБТ ЭТИЛДИ. НАВБАТ КОБУЛГА

Ўтган ҳафтанинг жума куниди бошланган Шимолий иттифоқ қўшинлари ва АҚШ ҳарбийларининг толибларга қарши ялли ҳужумлари натижасида Афғонистондаги бир неча шаҳарлар толиблар тасарруфидан озод қилинди. Хуусан, Мозори Шариф, Ҳирот, Баглан, Бамиан, Ҳайратон, Таҳор каби бир қатор стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳарлар қўлга киритилди.

Мозори Шариф қўлга олингандан сўнг афғон радиоси мухолиф кучлар кўмондони Абдурашид Дўстум толиблар томонидан аҳолига қўйилган барча таъқиқларни бекор қилди. Хуусан, аёлларнинг мактабга, ишга қатнашларига руҳсат берилди, радио орқали мусиқали эшиттиришлар изга тушди.

Айниқса, Қундуз, шунингдек Тожикистон билан чегаралош бўлган Таҳор вилоятининг толиблар тасарруфидан озод қилиниши уруш оқибатида ночор аҳволга келиб қолган афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилишини янада тезлаштиради. Шу ҳафтанинг ўрталаридан бошлаб дунё ҳамжамиятининг афғон халқига инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон орқали Афғонистонга етказила бошланиши мумкин.

Бўлаётган шиддатли жанглар толиблар сафидаги асосий қаршиликни асосан «Ал-Қаида» гуруҳи, шунингдек, покистонлик ва араблардан ташкил топган ёлланма жангчилар қўрсатмоқда, деган хулосага олиб келиди. Толиблар сафидаги афғонлар эса кўпинча Шимолий иттифоқ қўшинлари тасарруфига ўтиб кетишмоқда. Жумладан, Баглан яқинидаги жангга 2000 толиб асирга тушган.

Хуллас, ҳозиргача бўлган жанговар ҳаракатлар натижасига қарайдиган бўлсак, Кобул сари барча йўللар очилди. Баъзи маълумотларга кўра, мухолиф кучлар ҳозир Кобулдан 25 километр чамаси нарида туришибди. Бироқ бу мулоҳазалар тез орада Кобул забт этилади, дегани эмас. Шимолий альянсининг ташқи ишлар вазир доктор Абдулгани баёнот беришича, мухолиф кучлар то Афғонистондаги бўлажак ҳукумат борасида бир қарорга келилмагунча пойтахтга кирмайди.

Шуниси ачинарлики, жанговар ҳаракатларда ҳарбийлар қаторида журналистлар ҳам қурбон бўлишмоқда. Ҳозиргача Афғонистонда толиблар томонидан учта чет эллик журналист ўлдирилган. Ушбу журналистлардан бири Люксембург радиостанциясининг муҳбири Пьер Билло бўлган. Яна бири эса француз журналисти Жоан Сюттондир. Яқинда Франция бош вазир Лионел Жоспен журналист аёлнинг оила аъзоларига ҳамдарлик билдирди.

Афғонистондаги муваффақиятлар билан биргаликда АҚШ асилтеррор ҳарбий операциясига ўз ҳарбий кўмагини кўрсатаётган давлатлар сафи ҳам ортмоқда. Италия Афғонистонга кириши учун икки мингдан зиёд пиледа қўшинлар, шунингдек, саккизта «Торнадо» қирувчи самолётлари ажратган. Ушбу ҳарбий кўмак ҳозирда Форс кўрфазига томон суриб келмоқда.

Шунингдек, хориж матбуотида Усама бин Лодининг интервьюси чоп этилгани ва у бу интервьюда АҚШдаги терактлар айнан у бошлиқ «Ал-Қаида» гуруҳи томонидан амалга оширилгани ҳақида маълумотлар бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 13 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва ҳожона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	353,04	10 Люксембург франки	150,67
1 Австрия шиллинги	44,23	1 Малайзия ринггити	179,38
1 Англия фунт стерлинги	992,66	1 Германия маркasi	311,18
10 Бельгия франки	150,87	1 Польша злотийси	167,37
1 Голландия гульдени	276,18	1 СДР	867,75
10 Греция драхмаси	17,88	1000 Туркия лираси	0,44
1 Дания кронаси	81,76	1 Финляндия маркasi	102,36
1 БАА дирхами	185,58	1 Франция франки	92,78
1 АҚШ доллари	681,54	1 Швейцария франки	145,42
1 Миср фунти	160,27	1 ЕВРО	608,62
10 Испания песети	36,58	10 Жанубий Корея вони	5,35
100 Италия лираси	31,43	10 Япония енаси	56,61
1 Канада доллари	425,24	1 Россия рубли	22,94
1 Хитой юани	82,35	1 Украина гривнаси	128,69

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН — БРИТАНИЯ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Бош вазир ўринбосари В.Отаев раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Буюк Британияда бўлиб ўтган Савдо ва sanoat бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги 9-мажлисида иштирок этиб қайтди.

Икки томонлама ҳамкорлик ривожининг ҳолати ва истиқболлари, хуусан, стандартлаштириш, банк-молия соҳасида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари мажлис кун тартибидан жой олди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида Британия компаниялари ва сармоядорларининг мамлакатимиздаги фаолияти кўламлигини, Ўзбекистондаги истиқболли сармоявий лойиҳаларда уларнинг иштирокини кенгайтириш зарур эканлиги алоҳида қайд қилинди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Англия Ўзбекистоннинг Европа ҳамжамияти давлатлари орасидаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади.

Мажлис иши доирасида бизнес-семинар ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимиз иқтисодиётига Буюк Британия сармояларини жалб этиш учун асосий мавзуси бўлди. Тадбирда мамлакатдаги етакчи молиявий ва ишбилармон доираларнинг, Англия савдо ва sanoat вазирлигининг вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Семинарни очар экан, Sanoat палатасининг молиявий директори Робин Бут мамлакатимиз ҳукуматининг чет эл сармояларини химоя қилиш ва уларни янада рағбатлантириш борасида олиб

бораётган сиёсатига юқори баҳо бериб, бу Британиядаги етакчи компанияларнинг ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлиги йўлидаги кизиклишларининг ўсишига омил бўлаётганини айтди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари В.Отаев семинар иштирокчиларини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, республикада кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши жараёнлари билан таништирди.

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг истиқболларига бағишланган мазкур жонли мулоқот ва ўзаро фикр алмашувлар англиялик бизнесменларнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, республикамизнинг кимё, тоқон ва нефть-газ sanoatидagi имкониятлари ҳақида чуқур ва атрафлича маълумотларга эга бўлиши имконини берди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегациясининг мамлакат Ташқи ишлар ҳамда Халқаро ривожланиш бўйича вазирликларида, Экспорт кредитлари канолатлаш бўйича Департаментда, Европа тикланиш ва тараққийот банкнинг вакиллари билан учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.

■ М.ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА Лондон.

Ўзбекистон истиқлоли шарофати билан хорижлик журналистларнинг юртимизга келишларига кенг имконият яратилди. Лекин, минг афсуски, кўрганларини рўйи-рост ёзиб, мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлардан биз билан бирга қувонаётганлар саноқли. Шу саноқдилар қаторига ҳиндистонлик журналист Алок Шекҳар ҳам кириди.

У радио орқали ҳамюртларини Ўзбекистон ҳаёти, халқро майдонда олиб бораётган ишлари билан таништирибгина қолмай, Ҳиндистон матбуотида, жумладан, нуфузли нашрлардан бири «Аж» («Бугун») рўзномасида Ўзбекистон ҳақидаги мақолалари билан ўқувчилар эътиборини қозониб келаётган журналист ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллик санаи нишонланаётган кунларда Ҳиндистоннинг Биҳар штати маркази бўлган Патна шаҳрида унинг «Ўзбекистон Республикаси: муваффақиятлар солномаси» номли китобининг тақдими то бўлди. Бу унинг 10 йиллик кузатишлари, фикр ва мулоҳазаларининг натижаси эди. Дарҳақиқат, Алок Шекҳар ушбу китобда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида иқтисодиётда, фан ва техникада, маориф, соғлиқни сақлаш ва кўйлаб бошқа соҳаларда эришган ютуқларини холисона баҳолаб, бир хорижлик журналист сифатида таърифлайди.

Китоб 27 бўлимдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ХИНД ТИЛИДА КИТОБ

ҳақида сўнги маълумотлар қисқа, лўнда ва харитада қандай жойлашганлиги суратлари билан берилган.

Китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг дунёда тинчлик барқарорлиги учун, гиёҳвандлик ва халқро терроризмга қарши курашиш борасидаги ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди, мисоллар билан изоҳлаб берилган.

Муаллиф мамлакатимиз Президентининг Европада ташқиотидаги ҳамкорлик таъкидотининг 1999 йили Истанбулда бўлиб ўтган анжумани минбаридан айтган сўзларини, жаҳон ҳамжамияти эътиборини тобора кўчатиб, авжига чиқиб бораётган терроризм масаласига қаратганини, бу офатнинг қандай қўтилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида гапирганини эслатади.

Бундан ҳам илгары, яъни 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ҳам Ўзбекистон давлати номидан шу муаммони Президентимиз кўтарганлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон мустақиллигини сўнг Ҳиндистонда, айниқса, Биҳар, Ражастан, Уттар Прадеш, Мадҳья Прадеш, Орисса, Ассам штатларида юртимизга қизиқишнинг ортиб бораётганини

улардан келаётган мактублардан ҳам билиш мумкин. Бу китоб мана шу мухлисларимиз учун аини мулоқот бўлади ва яхши маълумотнома бўлиши мумкин.

Китобнинг равон, барча учун тушунарли тилда ёзилгани ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Унда Ҳиндистон мактабларида маълумотнома сифатида фойдаланиш мумкин. Китоб нафақат ҳиндистонлик ўқувчиларга, балки юртимизда хорижий тил сифатида ҳиндий тили ўқитилаётган мактаблар учун ҳам яхши ўқув қўлланмаси бўлиши мумкин.

Муаллиф бу китобга, шунингдек, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси жаноб Б. Митранинг Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларидаги фикрларини, ўзбек журналисти Шерзод Қудратхўжаевнинг суҳбатини киритиб китобхонни эркин мушоҳада юритишга чорлайди.

Китоб икки давлат раҳбарларининг ташриф чоғларида олинган суратлари, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳиссаларини қўшиб ке-

лаётган ҳамюртларимиз, Ўзбекистон манзараларини акс эттирувчи суратлар билан безатилган.

Муаллиф кириш сўзида, жумладан, шундай ёзди: «...Ҳиндистон билан Ўзбекистон муносабатларини бир улкан дарахта қийсалайман. Дарахт ўсгани сайин мустаҳкам бўлгани каби халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари ривожланиб, мустаҳкам бўлмоқда. Дарахт шоҳлари кўпайиб боргани каби дўстлик, ҳамкорлик алоқаларимиз барча соҳаларни қамраб олмақда. Бу менда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади. Шу боис ҳам бу ҳақда ёзиш менинг бурчимдир».

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳақида жуда кўп мақолалар, китоблар ёзилди. «Ўнта бўлса ўрни бошқа» деганларидек, Алок Шекҳарнинг бу китоби ҳиндий тилида ёзилган илк маълумотнома китоб эканлиги билан аҳамиятлидир.

Бу китоб Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқалари тарихида, бу алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этишига ишончимиз комил.

■ А. ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси бош муҳаррири

«БУХОРО-ХВАШЕН» — ЯНГИ КОРХОНА

Бухорода ҳар йили икки минг тоннадан зиёд пилла етиштирилади. «Бухоро ипаги» хиссадорлик жамиятида технология эскиргани сабабли тайёр маҳсулотга ҳамма вақт ҳам харидор бўлавермасди. Бу муаммони ҳал этиш учун хиссадорлик жамияти раҳбарлари хориждан шерик изладилар. Натижада

Ўзбекистон — Хитой «Бухоро-Хвашен» қўшма корхонаси ташкил топди.

Лойиҳа қуввати 2 миллион 216 минг АҚШ доллари тенг бўлган мазкур корхонада иккита цех бўлиб, унда 8 та ускуна мавжуд. Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида йилига 850 тонна ипак калаваланади.

■ Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосий қисми эса Хитой бозорига жўнатилади.

Шу йил етиштирилган хомашёдан бир қисми — 300 тонна қурук пилла қайта ишланиб, 30 тонна ипак калаваланади. Ҳозирча эса қарийб 10 тонна маҳсулот тайёрлаб қўйилди. Бу қўшма корхонада 480 киши ишлайди.

■ Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



КУЗ НЕЪМАТИ

■ Абдулгани ЖУМА олган сурат



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАҒАККУР ТАРАҒДОРИ!


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ: «Ўзбекистон овози» — 220 «Голос Узбекистана» — 121

Шойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган Темурийлар тарихи Давлат музейи миллий меъморчилик анъаналаридан фойдаланилган ҳолда бунёд этилган бўлиб, бу музей тез фурсатда ўзининг минг-минглаб мухлисларига эга бўлиди, дунё назарига тушди. Яқинда мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида музейга ташриф буюрган миллионинчи томошабин бунинг ёрқин мисолидир.

Музейлар — маънавият ўчоғи. Бунинг асл моҳиятини англаган Президентимиз Ислон Каримов музейлар фао-

натларнинг сони 700 та атрофида бўлган бўлса, шу кунга келиб уларнинг сони 2004 тага етди. Музей фонднинг бойиб боришида фидойи инсонлар, хорижий давлатларда яшаётган ватандошларимиз, шунингдек, қўшни давлатлар фуқаролари томонидан қилинган юзлаб тортиқларнинг аҳамияти каттадир.



МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

лиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган Фармон чиқарганликлари бежиз эмас, албатта. Натижада қисқа вақт мобайнида мавжуд бир қатор музейлар таъмирланди, янги-янги музейлар барпо этилди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш, зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида республика «Ўзбек музей» жамғармаси ташкил этилди. Хуллас, музейлар ҳаётида янги давр бошланди. Уларда тўпланган тарихий ашёларга асосланиб Ўзбекистон халқи маданиятининг жуда бой ва қадимийлиги дунёга намойиш этилмоқда.

Яқинда (2001 йил апрель-август ойларида) Темурийлар тарихи Давлат музейида намойиш этилган «Ўзбекистон мозий дурдоналари» номли кўргазма фикримизга далил бўла олади. Бу кўргазмада Ўзбекистон ҳудудида бундан бир миллион 200 минг йиллар муқаддам одамзод яшаганлиги, 7 минг йил аввал кулолчилик соҳасида юқори муваффақиятларга эришилганлигини тасдиқловчи тарихий ашёлар мавжуд эди.

Юртбошимиз томонидан музейга ҳаёда этилган «Амир Темур тарихи», «Амир Темур набираси Улугбек билан» деб номланган чини ёдгорлик буюмлари, мис ва биллур кўзалар, Ибн Арабшохнинг «Амир Темур тарихи» номли китоби, шунингдек, Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев (Амир Темур портрети)нинг, Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевнинг «Амир Темур ўтган йўллар» номли рангли расми, Россия, Грузия, Франция, Эрон Ислон Республикаси, Хитой, Туркия, Украина, Германия каби бир қатор хорижий давлатлар вакиллари томонидан берилган совғалар ҳам ўзига хос тарихий аҳамиятга эгадир.

Эътиборли жиҳати шундаки, тортиқларнинг кўп қисмини тарихсевар мухлислар томонидан берилган турли санъат асарлари ташкил этади. Улардан тошкентлик Санталат ая Сиддиқова (66 та буюм), Санобар ая Султонова (47 та буюм), Ҳамид ая Жўраева (40 та буюм), Ўрта Чирчиқ туманидан Уринхон ота Саид Аҳмад ўғли (12 та буюм)ларнинг, шунингдек, 317-мактаб ўқувчиси

З. Тожибоев ва 319-мактаб ўқувчиси Г. Нурмухаммедова каби ўғил-қизларимизнинг номларини тилга олиш жоиз.

Темурийлар тарихи Давлат музейининг илмий жамоаси киска вақт ичида музейшунослик соҳасида салмоқли натижаларга эришди. Улар музей экспозициясини бойитиш ва музейдаги ҳар бир экспонатга

илмий изоҳ бериб уларнинг моҳиятини зияратчиларга, айниқса, ёш авлодга етказиш йўлида тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Шу билан бирга Амир Темур ва темурийлар тарихининг барча йўналишларини ўзида жамлаган «Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон тарихидаги ўрни», «Амир Темур салтанатидаги бунёдкорликнинг ўз даври маданий ёдгорликларидagi ишъикоси», «Темурийлар даври ва этник жараёнлар» каби ўш йўналишдаги илмий мавзу бўйича иш олиб бормоқда. Музейнинг бошқа музейларга нисбатан фарқли томони шундаки, бу даргоҳ республикамизга илм маркази сифатида танилмоқда.

Музей раҳбарияти келгусида баҳарлиги лозим бўлган бир қатор режалар тизимини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Жумладан, музейни яқин йиллар ичида жаҳоннинг илгор музейлари қаторидан жой олиши учун музей фондига ноёб тарихий ашёлар билан янада бойитиш мақсадида республикамиздаги ва хорижий давлатларнинг етакчи музейлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, археологик ва этнографик экспедицияларни мунтазам равишда йўлга қўйиш каби ишлар кўзда тутилмоқда.

■ Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди

МАШҒУЛОТ ЎТҚАЗИЛДИ

«Зирабулоқ» пахта тозалаш корхонасида Самарқанд вилояти ИИБ ёнги хавфсизлиги бошқармаси билан Нарпай туман Давлат ёнгинга қарши назорат бўлими ҳамкорликда амалий машғулот ўтказди. Машғулотдан кўзда тутилган мақсад пахта хомашёси нобудгарчилигига йўл қўймаслик, ёнгининг олдини олиш ва бу

борада хушёрликни ошириш, ўт ўчириш воситаларидан фойдаланган ҳолда тежорлик билан ёнгинни бартараф этишни ўрганишдан иборат. Бир ярим соат давом этган машғулот натижаси шуни кўрсатдики, ўт ўчирувчилар жамоасининг техника ва автоуловлари юқори талаб даражасида экан. Уларнинг қисқа вақтда бажар-

ган ҳар бир машқулида соҳа профессионаллик яққол сезилиб турди.

— Бундай тадбирларни вилоят миқёсида ўтказиш бўйича вилоят «Пахтаसानот» бошқармаси ва вилоят ИИБ ЕХБ ҳамкорлигида тузилган қўшма дастур мавжуд. Ушбу дастур асосида аниқ вазифалар белгиланган, — дейди вилоят «Пахтаसानот» бошқармаси раиси ўринбосари А. Умаров.

■ Ўткир ПЎЛАТ

ТОШҚ ҲАДА «КАТЕРПИЛЛЕР»

Мустақиллик саодатини қарангки, кечаги машиналар — «БелАЗ», «МАЗ», «КамАЗ» ишлаган Мурун-тов, Кўкпатас конларида эндиликда Америка, Япония, Германия, Словакиянинг замонавий, автоматик бошқарувга эга бўлган «Катерпиллер», «Китору» русумидаги қудратли машиналари, экскаваторлари ишлайпти. Бу хориж машиналарининг қўлайлиги фақат кўп юк кўтариш ёки ёнгини тежашидангина эмас, балки компьютер асосида шовкинсиз ишлашидир. Юксак сифат ва самарадорликка эга бўлган бундай хориж техникаси эндиликда Учқудуқ, Зарафшондаги каби Кадокотадан фосфорит комбинатида қадар етиб келди. Комбинатдан 5 чақирим нарида Тошқура конидан бирламчи хомашё — фосфор қўқунини ташийтган бу машиналар сони шу йиллик 10 тага етади. Чет эл машиналарининг иш унуми ўлароқ комбинатда иқтисодий устуворлик ортапти.

■ Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЖМУАСИ

Нукусда «Автокемпинг» автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда автомобилларнинг барча турларига техник хизмат мойини алмаштириш, ювиб тозалаш каби юмушлар амалга оширилади. Шунингдек, ҳайдовчилар ва йўловчиларга ҳам маиший хизмат кўрсатилади. Бу ерда ўқув маркази ташкил қилинган бўлиб, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси нефть маҳсулотлари корхоналарида мутахассис кадрлар тайёрланади.

Мажмуанинг асосий бюртмачиси «Қорақалпоқ нефть маҳсулотлари» корхонаси бир йилда битказилган ушбу қурилишда 950 миллион сўмлик иш бажарди.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



КЕЛАЖАК — ЁШЛАРНИКИ

СУРАТЛАРНИНГ «ТИЛИ» БОР

Халқимизда «Икки кемага баравар осилган киши ҳалок бўлади» деган гап бор. Лекин ижод кемаси бир эмас, бир нечта бўлган тақдирда ҳам ҳеч қачон ҳеч кимни чўктирмайди. Қолаверса, чинакам истеъод эгаси ўша қанотли кемаларни бир мақсад измига йўналтиришга ҳам қодирлар.

Пойтахтдаги Ҳиндистон маданият марказида намой-

ради. «Ўзбекистондаги шўр сув ҳавзаларида яшовчи қисқичбақасимонлар биологияси» мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилиш арафасида. Яхшигина шеърлари, ҳикоялари бор. Бунинг устига Нодира икки тилда — ўзбек ва рус тилларида ижод қиларкан.

Ўттиздан ортиқ тақдорланмас, руҳият манзараларини акс эттирувчи лавҳалардан ташкил топган ижод гулзасти эса ўзига хос бўй таратиб турибди.

— Нодира, ижодкорлар кайфият олами ҳисобланади. Кайфиятингиз ижодингизга акс этадими?

— Кайфиятимнинг ўзгарувчанлиги болалигимдан мени қийнайди. Нафақат ижодим, менинг ҳар бир куним, ҳар бир дақиқа руҳан жарга қулашим ҳам мумкин. Бу жуда азобли ҳолат. Лекин шу изтироблар баъзан қутилмаган картиналаримнинг яралишига ҳам сабаб бўлиб қолганини ўйлаسام хурсанд бўлиб кетаман.

— Илмий ижод билан бадиий ижод орасида жуда катта масофа бор. Қолаверса, шеърингиз ва рассомчилик ҳам бошқа-бошқа йўллар. Боз устига сиз муаллимлик ҳам қиласиз. Мана шундай турли касб — турли йўллари бир вақтнинг ўзида эгаллаш жараёни сизга қандай кечаяпти?

— Мен бу жараёни фақат руҳий эҳтиёж деб тушунам.



Агар ички тугёнларимни шеър ёки ҳикоя ёзиб қониқтирилмасам, руҳият манзараларини ранглар билан ифодалашга ҳаракат қиламан. Муаллимликни эса илмий фаолиятимдан келиб чиққан ҳолда ўзимнинг бурчим деб биламан. Чунки излашиб топган нарсаларимни кимгадир етказишим керакда. Менимча, бир-бирига мутлақо тескари бўлган нарсаларда ҳам қанақадир умумийлик бўлади. Ҳамма гап ўша умумийликни топа билишда! Қайси соҳада бўлмасин, илмга асосланиб, илмга суяниб иш олиб борсак, биз фақат ютаемиз.

— Сиз ўрганаётган объект ижодингизга акс этганми?

— Мен шўр сув ҳавзаларида яшайдиган артемияларни ўрганаётганман. Улар чучук сувда яшолмайди, фақат шўр сувдагина яшайди. Уларнинг биологик қиймати жуда баланд, биз улардан қишлоқ хўжалигида, чорвачиликда, паррандачиликда биологик ўғит сифатида фойдаланишимиз мумкин. Уша ҳайвоннинг табиатдан келиб чиқиби «Метаморфозис» деган картинани чизганман. Артемиялар тимсолида салбий ҳолатларга мойиллиги кучайиб бораётган кимсалар образини ифодалашга ҳаракат қилиб кўрдим. Артемиялар ноилжликдан шўр сув-

ларда яшашга мажбур. Лекин одамзот имкониятларининг чегараси йўқ-ку?! Нега энди у ёвузликка, ёмонликка мослашиши керак, деган гап бор бу суратда.

— Нодира, ҳар бир инсон ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, табиат ҳодисаларидан имкон қадар баҳра олади. Сиз эса табиатшунос сифатида унинг тилини ҳам, дардини ҳам ҳис қиласиз. Тугрими?

— Албатта. Оддий одам гулни шунчаки гул сифатида томоша қилади. Мен эса гулнинг ичида кечаётган жараёнларни, ҳар бир молекуласида юз бераётган ҳаракатларни ҳам кўраман. Бу гулнинг ранги нима учун қизил ёки нега оқ эканлигини ички кўзлар билан кўриш руҳий



кўзларингизнинг очилиб кетишига, қандайдир ажабтоғур манзаралар билан тасаввурларингизнинг бойишига ҳам сабаб бўлади. Табиат билан туллашиб ижод қилиш менга жуда кўп энгилликлар беради.

— Нодиранинг икки фарзанди бор. У ўғилларини шу пайтга қадар яратилган ўзининг «энг мукаммал санъат асарлари» деб ҳисоблайди. Фарзанд деб аталмиш буюк мўъжизанинг яралишига восита бўлганидан гурурланиб яшайди.

Биз Нодира Жуманиёзовалек кўп қиррали истеъод соҳибларининг кўнглидаги гурурлиниш, ижодга иштиёқ, ҳаётга муҳаббат туйғулари барча ижодкорларга кўчишини истардим.

■ Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

Чуст туманидаги «Мармар» масъуляти чекланган жамияти бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб келаётган корхона ҳисобланади. Замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган корхонада йилга 3 минг кв. метр мармар қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилади.

Суратларга: 1. Ишчилар: 3.Алимжонов, Б. Исроилов, Ё. Насуралиев ва О. Шоқодировлар. 2. Пардозловчи Обиджон Райшмов иш устида.



ҚОРА ҚИЛМИШ АЛДАГАНИ... АЁЛ ЯХШИ

Орамизда бировларни алдаб, текин даромад ортиришни халқанга кимсалар борики, улар халқимизнинг ишонувчанлигидан ўз манфаати йўлида унумли фойдаланиб қолишни ўйлайдилар. Бирок кишиларнинг ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига топган пуллари баъзи бир фирибгарларнинг чўнтагига тушса-да, уларнинг яхши кўнларига буюрмаслиги аниқ.

Бухоро вилояти Пешку тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан фош этилган жиноят ҳам ана шундай кимса ҳақида.

«Бир неча йиллар давомида Жиззах ва Бухоро вилоятлари ҳудудида фирибгарлик жиноятларини содир этиб юрган Озмигул Икромова ниҳоят кўлга олинди. Узини Дилдора дея таништириб жуда кўпга аёлларнинг тилла тақинчоқларини «Менинг эрим шу туманга катта бир харбарлик лавозимига ишга келаяпти, шу боис биз уй олмақчимиз, эримнинг

эса вақти йўқ» — дея алдаб уларига кириб олган. Сўнгра катта-катта ёлгон ваъдалар бериб, яъни «Уйингизни айтган пулингизга сотиб оламиз, чунки бу уй менга ёқиб қолди. Менга ёққанми, эримга албатта ёқди», — деб уларни ишонтирган, «Эртага синглимнинг туғилган куни эди-я, унга бирор тилла тақинчоқ совға қилмоқчи эдим, агар тилла сотадиган аёллар бўлса айтган пулмига олардим», — дея дастлаб озгина пул бериб, қолгани эртага олиб келаман деганича 8 нафар аёлнинг бир миллион 320 минг сўмдан зиёд қимматбаҳо буюмларини осонгина олиб кетган. Бу фирибгар аёл устидан хозирда тергов ишлари олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда нафақат пулни, балки ишонччи ҳам ҳисоб олиб ишлатиш зарур қилмайди.

■ Шухрат РЎЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази ходими



УЧРАШУВ


БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот билан учрашди. Ўзаро суҳбат асосан Яқин Шарқ минтақасида барқарорлик ўрнатиш мавзусида кечди.



КАТНОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ



Бельгия ҳукумати «Сабена» авиакомпаниясини давлат тасарруфидан чиқариб, хусусий сармоядорлар ихтиёрига топширишга қарор қилганидан сўнг, компаниянинг олти мингдан ортиқ ходими иш ташлади. Улар митинг ўтказиб, ҳукуматдан мазкур қарорни бекор қилишни талаб қилмоқда. Хабарларга қараганда, айти пайтда «Сабена»га қарашли барча катновлар бекор қилинган.



ШАМОЛ ЭЪР КЕЛГАНДА...

Италияга Сахрои Кабир шамоли — сирокко ёприлди. Мамлакат ҳудуди сарғиш чанг билан қопланди. Куз бўлишига қарамай, ҳаво ҳарорати 23 даражагача етмоқда. Сирокко чангидан аллергияси кўзгалган ёки нафаси қисилиб шифохонага тушаётган одамлар сони ортиб бормоқда.



Исроилда наватдаги кўпоровчилик содир этилди. Яқинда кучаси Кфар-Хесс шаҳрида фа-ластинлик экстремистлар исроилликлар автомобилга ўқ узди. Хабарларга кўра, бу тажовуздан бир киши ҳалок бўлган, икки киши яраланган.

Исроил ҳарбийлари террорчиларни қидиришга тушди.

ЯНА БИР ҚЎПОРУВЧИЛИК

Исроилда наватдаги кўпоровчилик содир этилди. Яқинда кучаси Кфар-Хесс шаҳрида фа-ластинлик экстремистлар исроилликлар автомобилга ўқ узди. Хабарларга кўра, бу тажовуздан бир киши ҳалок бўлган, икки киши яраланган.




Исроил ҳарбийлари террорчиларни қидиришга тушди.

МУЗОКАРА ЎТҚАЗИЛМОҚДА

Марказий Африка Республикаси (МАР) армияси бош штабининг собиқ раҳбари Франсуа Бозизе давлат тўнта-риши уюштироқчи бўлгани тўғрисидаги хабар рост бўлиб чиқди. У анчадан буён қўшни Чадада яшириниб юрди. Режа 30 октябрь куни амалга ошиши керак эди, бироқ хабарларга кўра, қўл остидигарлардан бири уни сотиб қўйган.

Чад алоқа вазири Мухтор Даҳоб генерал Ф.Бозизе ҳозирча МАР ҳўкумати ихтиёрига топширилмаслиги, бу Чад конституциясига зидлигини айтди. Унинг гапига кўра, айти чөгда икки давлат президентлари ўртасида ушбу масала юзасидан музокара ўтказилмоқда.



ТАБИИЙ ОФАТ ҚЎРБОНЛАРИ

Ўтган ҳафта охирида Жазоирда рўй берган кучли ёнгини қурбончилиқ туфайли 343 киши ҳаётдан кўз юмди. Узлуқсиз ёғиб айниқса мамлакатнинг шимолий ҳудудларига катта зарар етказди. Маълумотларга кўра, тўрт мингта яқин оила бошпанасиз қолган. Яқинда кучи эрталаб ҳўкумат табиий офатдан жабрланганларга ёрдам беришга киришди.



ЖИНОЯТЧИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА


Колумбиянинг Антиокия департаментида ўнгчи экстремистлар 23 кишини отиб ўлдирди. Маҳаллий ҳўкими-ят вакиллари-нинг гапларига қараганда, жангарилар департаментнинг Чоко, Кокорна ва Сантуарио қишлоқларига бирма-бир кириб, рўйхат бўйича деҳқонларни ўз қариндошларни кўз олдида ўлдириб кетаверган. Ҳўкумат жиноятчиларни қўлга тушириш мақсадида воқеа содир бўлган жойга ҳарбийларни жўнатди.



МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР

Миллий истиклолимиз ўз абадиёти сари иккинчи ўн йилликка қадам қўйди. Утган даврда хуррият нафаси одамларимиз қалбига ифтихор чегагини ундирди олди. мустақиллик сурури жон-танзимидега, идаркимизга сингиб кетди. Бироқ фарзанднинг дунёга келиши қанчалик қувонч бахш этса-да, уни парваришлаб вояга етказишнинг ўзига яраша масъулияти, машаққатлари бўлгани каби озода мамлакатимизнинг иқтисодийтини кўтариш, уни собик иттифок сиёсатидан мерос бўлиб қолган хомашё ўлкасидан тайёр маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқа оладиган минтақага айлантириш, ерости ва усти бойликларини халқимиз фаровонлиги учун янада самаралироқ хизмат қилдириш муаммолари кўндаланг бўлиб турибди.

Ушбу омурауларга етишиш, Ўзбекистоннинг буюк келажиги асосини яратиб учун Президентимиз тақдир ва тақдор таъкидлаганларидек, борча соҳода илғор чет эл тажрибасини ўрганиш, хориж инвестицияларидан унумли фойдаланиш ва рақобатбардош маҳ-



етиб олгани йўқ. Сутининг миқдори бир йилда 5600 литрдан камайиб кетса, сугирлар гўшта топирилади. Хозирги вақтда сугир Голландиянинг фаровонлик тимсоли ҳам ҳисобланади. Унга махсус ҳайкал ўрнатилиб, бу жой мамлакатнинг идиққата сазовор ва туристлар келиб кўрадиган жойи даражасига тенглаштирилган.

Голландия иқтисоди ҳақида гап кетганда, бу мамлакатнинг дунёда энг юқори даражада ривожланган, аниқроғи, энг сернатижа қишлоқ хўжалиги ҳақида айтмасдан бўлмайди. Хозирги кунда ер билан шугулланувчи битта голланд 112 кишини боқади. Германия ва Францияда бу кўрсаткич 2-3 маротаба кам, Россияда эса 9-10 кишига тўғри келади, ҳоло. Шунга алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат қишлоқ хўжалиги билан аҳолининг атиги 5,8 фоизи шугулланади. Голландия озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз мамлақати аҳолисини тўла таъминлабгина қолмасдан, бу маҳсулотлар экспорти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

Мамлакатда саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ниҳоятда ривожланган. Шу сабабли ички бозорга ўн мингдан ортиқ номдаги турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари йилнинг ҳамма фаслида сотувга чиқарилади.

Дунёда аҳоли зичлиги жиҳатидан энг юқори ўринда бўлганлиги сабабли бу ерда ҳар бир квадрат метр ерда тежаб-тераб фойдаланилади. Голландия қишлоқ хўжалигининг деярли барча соҳалари бўйича янги технологияларни жорий қилиш соҳасида дунё этироф қилган мамлакат ҳисобланади. Айниқса, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, уруғчилик, ем-хашак ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, гулчилик соҳаларида бу давлат билан бел-

(силос учун)–қанд лавлаги алмашлаб экиш тизими қабул қилинган. Ерни ҳар хил касалликлардан, нематодлардан сақлаш мақсадида бир майдонда картошкани 4 йилда бир мартадан, қанд лавлагини эса 3 йилда бир мартадан ортиқ экиш қонун билан таъқиқланади.

Голландия қишлоқ хўжалигида чорвачилик алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи ўринда йирик шохли қорамолларни кўпайтириш туради. Юз йилдан кўпроқ вақтдан буён ҳар бир подалаги моллар бошма-бош санаб чиқилиши ва наслчилик китобига ёзиб борилиши йўлга қўйилган. Бир неча ўн йиллардан

буён бу маълумотларнинг ҳаммаси компьютерга туширилган. Хоҳлаган киши компьютер орқали мамлакат ҳудудидидаги исталган сугир ёки буқа ҳақида бир неча секундлар ичида тўла ахборот олиши мумкин.

Голландияда қора-ола голштин-фриз моллари кўп тарқалган (63 фоизни ташкил қилади). Бу насли сугирлар лактация даврида 7-8 минг литр сут беради (айрим сугирлар 20 минг литргача ҳам сут бера экан). 35 фоизга ақин пода қизил-ола моллар ҳисобланади. Мамлакат бўйича бир гектар яйлов ҳисобига 9,5 минг литр сут олинади, бу кўрсаткичга дунёнинг ҳеч бир давлати

Йилнинг иссиқ фаслида озиқлантириш асосини яйловдаги озуқалар ташкил қилса, қиша эса концентратлар қўшилган маккажўхори силоси, сенаж, қуритилган хашаклардан иборат бўлади.

Ҳар бир фермада 3 кунлик соғилган сутни сақлайдиган ҳамма музлатгичлар мавжуд. Сутни қайта ишлаш жуда кўп ассортиментдаги юқори сифатли маҳсулотлар тайёрловчи кооператив корхоналарда амалга оширилади. Соғилган сут мамлакат ичкарисида фойдаланилса, уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар асосан экспорт қилина-

вожланган. Охириги йилларда, айниқса, чўчқачилик жадвал суратлар билан ривожланмоқда. Оқ йирик гибрид ва йирик йоркшир насллари асосий зотларни ташкил қилади. Фермерлар чўчқачиларни 23 кг. атрофидаги вазнда сотиб оладилар ва 133 кундан кейин уларнинг оғирлиги 100-108 кг. ни ташкил қилади. Бу даврда уларга ўртача 270 кг. озуқа берилади. Илмий тадқиқотлар ва амалиётдаги кўрсаткичлар айнан шу вазнда ва шу ёшда чўчқаларни гўшта топириши лозимлигини эътироф этади. Аниқланишича, бу ёшда гўштаги ёғ (сала) миқдори ҳамда гўшт етиштириш учун сарф қилинадиган харажатлар энг минимал ҳолатда бўлар экан.

Чорвачилик соҳасидаги эришилган улкан ютуқлар нафақат тарихий, кўп асрлар давомида ортирилган тажрибалар натижасигина бўлиб қолмасдан, балки наслчиликда фаннинг охириги ютуқларини қўллаш, масалан, сунъий қочирининг ҳозирги замон ютуқларидан фойдаланиш, эмбрионотрансплантацияни и қўллаш каби усулларни кенг жорий этилганлиги. Селекция ишлари учун энг яхши насли зотларнинг спермаларидан музлатилган ҳолда 5 миллион дозадан иборат махсус спермобанклар яратилган. Фиримизча, Ўзбекистон чорвачилигини ривожлантириш учун Голландиядан қорамол сотиб олгандан кўра ушбу спермалардан сотиб олинса, ҳам арзон, ҳам қулай бўлур эди.

Голландияда муҳим йўна-

ГОЛЛАНДИЯ - ЗИРОАТ САЛТАНАТИ

лишлардан яна бири паррандачилик ҳисобланади. Хозирги кунда 90 миллиондан ортиқ товуқ боқилади. Парранда гўшти қорамол ва чўчқа гўштига қараганда бир неча баробар арзон. Паррандачилик фермаларида бир кунда товуқнинг вази ўртача 64 граммга ўсади. 1 килограмм парранда гўшти олиш учун 3,18 озуқа билиги сарфланади. Бройлер фермаларида бу кўрсаткич яна ҳам паст — 1,99 озуқа билигини ташкил қилади.

Мамлакатда табиий ўтлоқлар ва ем-хашак экилган майдонлар 1,2 млн. гектардан иборат. Бу майдонларга энг сара навли уруғлар экилган бўлиб, бир гектар майдондан 80 тонна силос массаси, ёки у қуритилганда 13,5 тонна қуруқ хашак олиш мумкин. Голландия ҳар йили 40 дан ортиқ мамлакатга 20 минг тоннагача ўт-ўлан ва хашаклар уруғини сотиб катта фойда кўради.

ган груннда). Бу мамлакатни «иссиқхоналар ва парниклар мамлақати» деб бежизга айтилмайди, чунки Голландия бу соҳада дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Биз автономбилда Амстердам, Роттердам йўналишлари бўйича сафар қилганимизда узуксиз бир неча ўнлаб километрдан иборат улкан иссиқхоналарни кузатиб голландлар меҳнатига яна бир бор таҳсинлар айтдик.

Иссиқхоналарда сув, ўғит ва зараркунандаларга қарши кураш модаларини етказиб бериш, микроэлементлар, йилнинг барча фаслида бир хил ҳарорат ва намликни яратиб бериш — буларнинг ҳаммасини электрон ҳисоблаш машинаси бошқаради. ЭҶМни эса биргина оператор кузатиб боради. Бир иссиқхонага кирганимизда менежер бизнинг ЭҶМ хонасида оператор йўқлигидан ҳай-

кўрсаткичга эга, уни истемлол қилиш кўрсаткичи бўйича эса биринчи ўринда туради.

Голландия иссиқхоналарида сабзавотлар кўчати етказиб бериш саноат асосида намуна бўладиган даражада йўлга қўйилган. Кўчат етиштиришнинг 90 фоизи махсус комплексларга тўғри келади. Масалан, мана шундай комплекслардан 6-7 гектарлик 2 та иссиқхона 200 миллиондан ортиқ помидор, қарам, болдинг, гармолри ва бошқа сабзавотлар кўчати 50 кишилик ишчи кучи билан етказиб бериши мумкин. Етиштирилган кўчатларнинг 60 фоизи Европанинг деярли барча мамлакатларига экспорт қилинади. Одатда кўчатлар йил бўйи тайёрланади.

Бу юртни «гуллар мамлақати» ҳам дейишади. Шахсий, жамоатчилик ва давлат тасарруфидаги хо-

ди. Бу масалалар биржала соат механизидек аниқ йўлга қўйилган. Гуллар конвейер бўлиб бир тизимда ва бир маромда аравачаларда аукцион залига кириб кела бошлайди. Ҳар бир аукцион аудиториясида 1500 жой бор. Харидорлар залдаги амфитеатр каби қўйилган столларни эгаллаб олишади. Ҳар бир столда компьютер, факс, телефон ва қарама-қарши деворда осилган гулнинг номи, сони, максимал ва минимал нархини кўрсатиб турувчи «соат» билан тугмача орқали болганган. Соат миллари максимал нархдан минималга қараб кета бошлайди. Харидор ўзи хоҳлаган нархни қисқа вақтда маълум бир секундларда тугмачани босиб орқали амалга оширади. Залда ўтирган харидорлардан ким биринчи бўлиб тугмачани босган бўлса гул ўшаники. Савдо шартномаси компьютерда қайд қилинади ва расмийлаштирилади. Тугмачани босилган то шартнома ҳисоб-китоб қоғозини олгунга қалар 10-15 минут вақт кетади. Конвейер орқали сотилган гуллар қўшни залга ўтади ва у ерда тезда ўраб-саранжомлашиб, махсус музлатгич идишларда сотиб олинган манзилга самолёт ёки машиналарда жўнатиб юборилади. Сотилмай қолган гуллар компост (тупроқ ёки торфда чиритиб органик

майтиради, ҳосилдорликни кўпайтиради, пировард на-
 ўғит қилиш) учун фойдаланилади.
 Алсмерда ҳар кун кесилган ёки тувақлаб гуллардан 12 миллион дона сотилади. Ҳар йили бу ерда 900 миллион атиргул, 250 миллион лола ва 220 миллиондан ортиқ тувақлаб гуллар — жами 3 миллиарддан ортиқ (мамлакат бўйича бир йилда жами 6 миллиард) гул сотилади. Мана шу сотилган гулларнинг 80 фоизга яқини экспортга кетади. Сотиб олувчи давлатлар ичида энг узоқ — Япония, Австралия, Сингапур каби давлатлар ҳам бор.

Дунё гул савдосининг 60 фоизи Голландия улусидир. Бу соҳада у биринчи ўринда туради. «Steenks goza» компаниясида бир йилда 50 млн. дона атиргул сотилади. Битта атиргулнинг нархи бир АҚШ доллари эканлигини билган ҳолда даромдини ўзингиз ҳисоблайверасиз. Шу кичкина компания 30 хил рангдаги атиргулни учратдик.

Голландия иссиқхоналари замон талабига қараб мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда. Масалан, иссиқлик энергиясини сақлаш учун иссиқхоналардаги ойналарни икки қаватдан қўйиш ташкил қилинган, ойналарни синмайди- ган поликарбонат билан алмаштириш жараёни давом этмоқда, микроклимни сақлаб туриш автоматлаштирилган, иссиқлик экранлари қўйилган, горизонтал вентиляция услуби қўлланилади ва ҳоказо. Мана шу янгиликлар ҳисобига энергия сарфи 30 фоизга қисқартирилган (Мамлакат электрэнергиясининг 5 фоизи шамол электрстанциялари билан олинади). Иссиқхоналарда қувурлар орқали тупроқни иситиш, гулларни махсус гумус солинган герметик қопларга экиш усуллари, ЭҶМ бошқарилган томчилаб озиқлантириш, ўсишни тезлатувчи биопрепаратларни қўллаш каби янги технологияларни жорий этиш аввало қўл меҳнати ҳажмини кескин ка-

таннари кескин камаяди. Голландия иссиқхоналари ҳозирги кунда дунёнинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Иссиқхоналарнинг янги тури бу — бункер иссиқхоналари. Бу технология XX асрнинг 90-йилларида «Схюте» фирмаси томонидан яратилган бўлиб, ишлаб чиқариш унумдорлигини деярли 2 маротаба оширади. Бункер иссиқхоналари махсус панеллардан тузилган ёпиқ ангар бўлиб, сунъий равшани ёритилади- ган 7-20 ярусли алоҳида камералардан иборат қурилма ҳисобланади. Нима экилишига қараб ярус сони ўзгарилади. Масалан, шампиньон замбуруғлари 14 ярусли камераларда ўстирилиб, бир йилда бу иссиқхонанинг ҳар бир квадрат метридан 3 тоннадан ортиқ ҳосил олинади. 24 камерали бункерда бир йилда 3000 тоннагача замбуруғ етказиб берилади. Шунча маҳсулотни етказиб бериш учун 50 нафар ишчи кучи талаб қилинади, бу одатдаги иссиқхонадан 3,5 баробар кам демакдир. Бу технология бўйича ҳам Голландия жаҳонда биринчи ўринда туради.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг барқ уриб ривожланиши ва бу соҳада дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллашига сабаб уруғчилик ва наслчилик ишларининг рисоладагидек, кам-кўстез йўлга қўйил-



рон бўлиб турганимизда у бизга ЭҶМ операторнинг уйдаги ЭҶМга ҳам уланганлиги ва оператор хоҳласа уйда назоратни амалга ошириши мумкинлигини айтди.

Иссиқхоналар туфайли Голландия дунёда шампиньон замбуруғлари етиштириш бўйича ҳам дунёда етакчи давлат ҳисобланади. Ҳар йили етиштирилган 70-75 минг тонна ҳосилнинг 80 фоизи экспортга чиқарилади. Иссиқхоналарда механизация ўта ривожланганлиги туфайли бир йилда 6 мартагача замбуруғ экилиб ҳосили териб олинади. Замбуруғ таннари бу мамлакатда энг паст

наларда, коридор, балкон, ҳовли, кўча ва ўнлаб километр йўллар атрофида кўзни қувонтирувчи рангбаран гулларни кўрасиз. Еттига гулчилик илмий текшириш маркази ва минглаб боғбонлар гулларнинг янги навларини етиштирмоқда. Масалан, ҳар йили мамлакат бўйича атиргулнинг юздан ортиқ нави рўйхатга олинади. Гул навларини рўйхатга олишда экспертлар гулнинг ранги, унинг формаси, ҳили, гул рангининг барқарорлиги каби талабларни қўйишади. Очيق тупроқдаги гулчилик умумий гулчиликнинг 10 фоизини ташкил қилади.

Савдода энг кўп талаб қилинадигани атиргул, иккинчи ўринда хризантема, ундан кейин гвоздика турар экан. Лола эса олтинчи ўринни эгаллаб турибди.

ди. Яна бир муҳим масала шундаки, бузоқлар учун ажратилган сугта тегиш ёки уни қайта ишлаш қатъян таъқиқланади.

Бу мамлакатда интенсив чорвачилик ҳам жуда ри-

лишлардан яна бири паррандачилик ҳисобланади. Хозирги кунда 90 миллиондан ортиқ товуқ боқилади. Парранда гўшти қорамол ва чўчқа гўштига қараганда бир неча баробар арзон. Паррандачилик фермаларида бир кунда товуқнинг вази ўртача 64 граммга ўсади. 1 килограмм парранда гўшти олиш учун 3,18 озуқа билиги сарфланади. Бройлер фермаларида бу кўрсаткич яна ҳам паст — 1,99 озуқа билигини ташкил қилади.

Мамлакатда табиий ўтлоқлар ва ем-хашак экилган майдонлар 1,2 млн. гектардан иборат. Бу майдонларга энг сара навли уруғлар экилган бўлиб, бир гектар майдондан 80 тонна силос массаси, ёки у қуритилганда 13,5 тонна қуруқ хашак олиш мумкин. Голландия ҳар йили 40 дан ортиқ мамлакатга 20 минг тоннагача ўт-ўлан ва хашаклар уруғини сотиб катта фойда кўради.

Юқорида айтганимиздек, Голландияда ер танқис, Шунинг учун ҳар хил ўтлар ва хашакларнинг уруғини бошқа мамлакатларга (Германия, Франция, АҚШ, Чехия, Польша ва ҳ.к.) бориб экиш амалиёти кенг жорий этилган. Бу ҳолатда ҳисоб-китоб ем-хашаклар уруғи билан амалга оширилади. Чет элларга бориб олинган уруғ миқдори Голландиянинг ўзида олинган ҳосилга нисбатан бир неча баробар кўп экан.

Чорвачилик, айниқса, паррандачиликда эришилган ютуқлар комбикорм ишлаб чиқариш билан ҳам узвий боғлиқ. Голландияда комбикорм таркибидagi дон миқдори дунёдаги энг куй кўрсаткичга (16%) эга. Бу кўрсаткич Германия, Франция ва Англия давлатларида 30-35% ни ташкил қилади.

Бизнинг назаримизда республикамизнинг деярли барча вилоятларида илмий асосланган комбикорм ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ишга туширилса, чорвачилик ва паррандачилик ривож учун катта иш қилинган бўлар эди.

Хозирги вақтда Голландияда мева-сабзавотчилик соҳаси йирик механизацияланган ва энг рентабелли соҳалардан бири ҳисобланади (айниқса, ҳимоялан-

Суратларда: 1. Очيق майдондаги экинзор. 2. Иссиқхонадаги зироатчилик. 3. Голландияда балкиларни ҳам «соғишди», яъни увидиригини олиб, кейин ҳавзага қўйиб юборишади.

Уруш кўрганман, номи ўсчин, дейман. Мен ҳам сафдошларим қатори Берлин Рейхстагининг деворида «Джурев из Самарканда» ёзувини қолдирганман. Ушанда қисимиз Польшада она юртва қайтиш кунларини кутиб ётарди. Бўш вақтлар ҳам пайдо бўлди. Хатто севимли машғулоти — ов билан ҳам шуғулланса бўладиган эди. Кузак, тустовуқ овига чиқдик. Дарё бўйидаги тўқайларга киришим билан қамишларнинг орасидан иккита тустовуқ шундоқ олдимдан кўтарилса бўладими?! Шошапиша хўрозини мўлжалга олдим. Қуш патларини тўзғитиб дарёнинг нариги бетидаги қамишзорга тушди. Энди уни топиш керак, ўлжани тулкиларга қолдириш ярамайди.

Кўприкчадан ўтишим билан қамишлар орасида овига тустовуқ билан овчи ит пайдо бўлди. Орқасидан баян бўли, қорачадан келган, бошида тўртбурчакли конфедератка, фақат поляк армиясига хос шапкали шикозодларни эслатадиган йиғит кўринди, у итининг овига тустовуқни менга узатар экан: «Мана, бу сизнинг ўлжангиз», — деди. Таниш-

дик. Исмоил Тадеуш, биз турган шаҳарчадаги алоқа бригадасида поручик экан.

— Сизнинг исмингизни эшитишим девориди қарамонларингиз Тадеуш Костюшко хаёлимга келди. Костюшкони эшитсам Огинский полонезини эшитгандай бўлман, — дедим.

Эртасига Тадеушникида меҳмон бўлдим. Мени рафикаси Ядвига билан таништирди.

— Пан Ядвига, сизларнинг исмларингиз поляк халқининг тарихига хос экан, — дедим.

— Агар Тадеуш Костюшко эслатса, сизнинг исмингиз кириллица Ядвигага ёдга солиди. Бу аёл Польшанинг гарбий заминларини ҳимоя қилиши билан тарихга кирган. Мен Слоним ва Новогрудек шаҳарларидаги масжитларда мусулмон татарларни учратганман, уларнинг ота-боболари кириллица Ядвиганинг қўлини сафида хизмат қилиб, шу жойларда қилиб кетишган экан.

Пан Ядвига тустовуқли қайнатма шўрва ва димлама куён билан меҳмон қилди. «Вудки

из жито» ва «Монополия» арокларидан тотинарканман, хонимнинг хазиллашиб: «От пива — глову кива, от вудки — разум крутки», — деган гаплари хали ҳам хотираман. «Мен Сенкевич ва Мицкевичларни ўқиганимни, Шопен куйларини севишимни, астроном Коперник тутилган Торунни озод қилишда қатнашганлигим, қадимий литографияда Коперник, Галилей ва бизнинг Улғубек бирга тасвирланганини айтдим. Уларнинг саволларига жавоб бериб, Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида ҳам гапириб бердим. Бирга овга чиқиб турадиган бўлдим.

Орадан уч ойча ўтган, Тадеуш билан хайрлашимиз фурсати етди.

— Дўстим, эсдалик учун итининг болаларидан бирини танлаб ол. Овга чиққанганда мени эслаб юрарсан. Биласан-ку «итсиз овчи — ярим овчи», — деди Тадеуш.

Қараб туриб лаланганча, этимнинг кўнжини ялаганини танлаб олдим.

— Тадеуш, илтимос, сованганга ўзинг лақаб қўйиб бер, ла-

қаби ҳам эсдалик бўлсин.

— Унинг бобосининг лақаби «Нерон» бўлган. Майли невараси ҳам «Нерон» бўлиб, Рим императоридай машҳур бўлсин. Агар «Нерон»нинг бакуват ва хидини яхши сезадиган бўлсин деса, олти ойлик бўлганча кунига биттадан хом тухум ялат, пўчоқларини талқон қилиб овқатга қўшиб бер.

Сентябрь охирида Самарқандга етиб келдим. «Нерон» тезда ўсиб, Ирландия жавоб бериб, Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида ҳам гапириб бердим. Бирга овга чиқиб турадиган бўлдим.

Орадан уч ойча ўтган, Тадеуш билан хайрлашимиз фурсати етди.

— Дўстим, эсдалик учун итининг болаларидан бирини танлаб ол. Овга чиққанганда мени эслаб юрарсан. Биласан-ку «итсиз овчи — ярим овчи», — деди Тадеуш.


Қараб туриб лаланганча, этимнинг кўнжини ялаганини танлаб олдим.

— Тадеуш, илтимос, сованганга ўзинг лақаб қўйиб бер, ла-

ҲАМОН

(ОВЧИ ҲИКОЯСИ)

ДЎСТИМНИ ЭСЛАТАР



да ўтказмоқчи бўлди. «Регистон» майдониди учрашиб, Зарафшон дарёсининг тўғони «Ровотўжа»га бормоқчи эдик. «Нерон» фақат парранда овига мослигидан уйда қолдирдим. Аксига олиб дўстим овга бора олмаслигини айтди.

— Майли, сен шифокор, қизингни давола. Мен эса итиним олиб, тустовуқ овлаб келарман, — деб хайрлашдим. Уй томон борарканман, карасам, итим бўйинбоғини судраб мен томон келарди. Серкатов кўчаларда изини топганига қойил қолдим.

Автобуста тўғонга етиб келдим. Атрофда ажиб манзара, кенг ёйилган Зарафшон, орол ва ярим оролчалар, қалин қамиш, жийда, қораканд, наъматақлар кузги либосда. Ўнг соҳилда ястанган тилларинг шолпоёнлар тустовуқларга тўла... Овчилар учун кўнгилтўсар макон.

Бу ерга олдин ҳам келганман. Кечалари тўнғизларни дарёдан ўтиш жойларида пойлардик, кундузлари баллиқ овлаб, оқшомлари тустовуқ овлардик. Хонбалиқ шўрваси какликдан қолиш-

майти. Агар хонбалиқни равоч баргига ўраб, чўғга кўйсангиз борми... Ҳа, тунлари гулхан ёнида тунашга нима етсин! Қани энди поляк дўстим Тадеуш бўлса-ю, уни меҳмон қилиб, қўнғилни олсам...

Саҳарлаб Мозорли сой томон кўтарилса бошладим. Ния-

тим каклик овлаш. Субҳидам, табиат ўзгача. Ҳамзатов айтмоқчи: «Тоғ гўзаллигига тенг гўзаллик хали мен кўрмаган тоғларда бўлиши мумкин». Пастда қумшаран Зарафшон. Атроф арчазору сўлда қорли чўққилар. Ургут тоғларидан қоя капталлар унади. Қуёш кўтарилиб, какликлар сайрайди.

Безовта «Нерон»нинг арчазорда гойиб бўлиши кайфиятимни бузди. «Нимани сездим экан», — деган фикрга бордим. Шу пайт бодомзорда тўнғизлар тўдаси кўринди. Олдинда байхайбат тўнғиз. Мен ўша «сардор»нинг пешонасини нишонга олиб, тепкини босдим. У тумшуги билан кулади, бошқалари тумтарай гойиб бўлишди. Яқинлашганимни сезган тўнғиз туриб, газабли хуриллаб, мен томон отилди. Иккинчи тепкини босдим, ҳаяжон аралаш ўқ хато кетди. Тўнғиз тез бурила олмаслигини билиб, ўзимни чапга ташладим, аммо мувозанатни

йўқотиб, йиқилдим. Яқинлашган тўнғизнинг ваҳшини кўзларини кўргач, бу дунё билан хайрлашдим-ов. Елғиз овга чиққангидан пушаймон бўлдим. Хайтовур «Нерон» жонимга оро кирди. Милтигимни яна ўқлашга улгурдим. Қалтирасам-да тўнғизни қулатдим. Тўнғиз эса қозик тишлари билан «Нерон»нинг кўрагини ёриб юборишга улгурган экан. Кўйлагимни йиртиб, ярасини бойлағунимча бўлма жон берди. Харсанг устида қотганмича, қанча сигаретани тутатдим... Ҳалоскор «Нерон»ни совға қилган поляк дўстимни эсладим. Топ ёнига вафодорни кўмиб тошлар билан безадим.

Айтишларича, Италиядаги эркаклар монастирида навабчи роҳиб ҳар чорак соатда эшик тақиллатиб: «Эшитингла! Умрлар яна чорак соатга қисқарди», — деб огоҳлантираркан. Соатлар югурар, кунлар ўтар, йиллар... Уйласам, ўша воқеадан кейин уч миллиондан ортик соат ўтибди. Аммо ўша воқеа кечагидек эсимда, поляк дўстимни ёдга солаверарди.

■ **Ғофур ЖҲҲАЕВ**

КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

Собиқ совет давридаги савол-жавобдан:

— Маша, Маркс ким биласанми?

— Йўқ.

— Мен билан кечки марксизм-ленинизм ўқитишнинг қатнашганида Маркснинг қимлигини билб олардинг.

— Ўзинг-чи, Рабиновични биласанми?

— Йўқ.

— Марксизм-ленинизм ўқитишнинг қатнашганида хотинингнинг олдига ким келиб турганини билардинг...

◆◆◆

Эру хотин жанжалдан:

— Сенга теккандан кўра алвастига текканим мунг марта афзал эди.

— Бунинг иложи йўқ, — деб оғзидан чиққани билан ёқасига ёпиштирибди эри. — Яқин қариндошларнинг узаро турмуш қуриши ман этилган.

◆◆◆

Меҳмонхонадаги гап-сўзлардан:

— Бу аёл хотинингиз эканлигини исбот қилиб берган тақдирингизагина мен шиковларингизни бир хонага қўйишим мумкин.

— О, жаноб, агарда сиз бу аёл меннинг хотиним эмаслигини исбот қилиб берсангиз, мен бир умр сиздан миннатдор бўлардим.

◆◆◆

— Филни газетамга ўраса бўладими? — деб сўрашди раман радисовдан.

— Ҳа, агар газетамда Брежневнинг доклади босилган бўлса,

Бош ошпаз янги ходимни ишга олиш учун ўзича суҳбат утказди:

— Бир килограмм неча граммдан иборат?

— Етти юз ё саккиз юз грамм...

— Яхши. Эртадан бошлаб ошпаз сифатинга иш бошлашингиз мумкин.

◆◆◆

Ярим кечда Сочнинг хилват кўчаларидан бирча:

— Агар пулдан чўзсанг, битта хурматли одамнинг ҳаётини сақлаб қоласан.

— Кечирасиз. Унақа хурматли одамдай кўрнмаяпсиз-да.

— Буламан. Мен сени назарда тутаяман.

APLOVIT

ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯХШИЛАШ
УЧУН ТАБИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАСИ

NEW

APLOVIT
— ҲАЁТ МАНБАИ!

БУНГА ҚУРБИНГИЗ ЕТАДИ

ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ҚУТИЛИНГ,
ҲАЁТ ҚУВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА
ИШОНЧНИ ҲИС ЭТИНГ

БИРТАЛИҚДА ОЗАЙЛИК!

Ишлаб чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED»
қўшма корхонаси

Камтарин, тиним билмас, шогирдларига меҳрибон ва талабчан, серкирра илмий фаолият соҳиб... Бу сифатлар ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Музаффар Мухитдиновчи Хайруллаева тааллуқлидир.

Музаффар Хайруллаева 1931 йилнинг 17 ноябрида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. Унинг болалик ва ўсирилик йиллари уруш даврига тўғри келди. Аёвсиз уруш тўғрисида билан бўлиб, яқин қариндошларининг ҳамжўрлиги ва кўмаги тўғрисида илм чўққиларини эгаллашга азия қарор қилди.

1944 йили Андижон ўқитувчилар институтининг тайёрлов гуруҳига ўқишга жойлашиб, 1947 йили унинг тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан тамомлайди ҳамда Самарқанд давлат университети филология факультетининг иккинчи курсида ўқишни давом эттирди. Кейинчалик Тошкент шаҳрига кўчиб ўтган, ўз тахсиллини Урта Осиё давлат университети (ҳозирги ўзбекистон Миллий университети)нинг психология бўлимида давом эттирди. Кейинчалик Тошкент шаҳрига кўчиб ўтган, ўз тахсиллини Урта Осиё давлат университети (ҳозирги ўзбекистон Миллий университети)нинг психология бўлимида давом эттирди. Кейинчалик Тошкент шаҳрига кўчиб ўтган, ўз тахсиллини Урта Осиё давлат университети (ҳозирги ўзбекистон Миллий университети)нинг психология бўлимида давом эттирди.

мияси тасарруфида Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг ташкил топиши муносабати билан М.Хайруллаева мазкур институт директорининг муювини сифатида фаолият юргизди. 1961 йили, яъни 30 ёшида эса уни директор қилиб тайинлашди. Табиийки, бундай даргоҳнинг директори бўлиш масъулияти тинимсиз меҳнат ва ташкилотчилик иқтидорини ҳар томонлама намоён этишни тақозо қилди. Шу билан бир қаторда

мойи фалсафа йўналишларида самарали илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Мазкур соҳаларга оид 600 дан зиёд чоп этилган илмий ишлар муаллифидир. Айниқса, олимнинг «Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари», «Фаробий руҳий жараёнлар ва таълим-тарбия тўғрисида», «Ўзбекистон фалсафаси тарихидан лавҳалар», «Ижтимоий онг, унинг шакллари», «Уйғонмиш даври ва Шарқ мутафаккирлари», «Фаробий даври ва таълимоти», «Абу Наср Фаробий», «Мантик», «Маънавий мерос ва фалсафий тафаккур тарихи» каби қатор монографик тадқиқотлари ва дарсликларни ҳозирга қадар талаба ва мутахассислар эътиборини қозониб келмоқда.

М.Хайруллаева қаттиқ шўролар даврида мамлакат фалсафий тафаккури тарихида биринчи бўлиб бутун мусулмон Шарқининг буюк алломи ва машҳур мутафаккири Абу Наср Фаробийнинг бой маънавий меросини мутараққий ҳаёт аҳлига кўз-кўз қилиш шарофига мушарраф бўлди ва халқимиз миллий гуруҳ тўғрисида шаклланиши ва камол топишига ўзининг ҳиссасини қўшди. Шу мақсад йўлида Россия, Австрия, Англия, Венгрия, Германия, Швеция, Финляндия, Хиндистон, Япония ва қанчалдан қанча хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларда фаол қатнашди.

Айниқса, олимнинг мамлакатимиз учун юқори малакали мутахассислар етиштиришдаги хизматлари эътиборга лойиқдир. Музаффар Мухитдиновчи 60 дан зиёд фан докторлари ва номзодларнинг қаттиққўл ва талабчан устози. У кишининг шогирдлари ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жаҳаларида устоз аъёнларини давом эттириб келмоқдалар.

ИЛМДАН БАХТ Топган ИНСОН

у 1966 йилда «Фаробийнинг дунёқараши ва унинг фалсафа тарихидаги аҳамияти» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. М.Хайруллаева 1968 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. 1970-1975 йилларда республика миқёсидаги масъул лавозимларда ишлаб келди. 1975 йилдан яна И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, 1980-1987 йилларда академия тасарруфидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг директори лавозимларида ишлаб келди. 1987-1989 йилларда Ўз РҲА Президиумининг аъзоси, фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ фанлари бўлимининг раиси, Фанлар Академиясининг академиги бўлди. 1995 йилдан эътиборан Ўз РҲА Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг директори лавозимиди ташкилотчилик ва илмий фаолият кўрсатиб келмоқда.

Устознинг илмий қизиқиши доираси кенг ва серкиррала десак муболага бўлмайди. М.Хайруллаева фалсафа тарихи, мантик, ахлоқ-одоб, ижти-

қаҳри қаттиқ шўролар даврида мамлакат фалсафий тафаккури тарихида биринчи бўлиб бутун мусулмон Шарқининг буюк алломи ва машҳур мутафаккири Абу Наср Фаробийнинг бой маънавий меросини мутараққий ҳаёт аҳлига кўз-кўз қилиш шарофига мушарраф бўлди ва халқимиз миллий гуруҳ тўғрисида шаклланиши ва камол топишига ўзининг ҳиссасини қўшди. Шу мақсад йўлида Россия, Австрия, Англия, Венгрия, Германия, Швеция, Финляндия, Хиндистон, Япония ва қанчалдан қанча хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларда фаол қатнашди.

Айниқса, олимнинг мамлакатимиз учун юқори малакали мутахассислар етиштиришдаги хизматлари эътиборга лойиқдир. Музаффар Мухитдиновчи 60 дан зиёд фан докторлари ва номзодларнинг қаттиққўл ва талабчан устози. У кишининг шогирдлари ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жаҳаларида устоз аъёнларини давом эттириб келмоқдалар.

■ **Расулжон НОСИРОВ,**
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Allimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
(Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbegon QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR og'li

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
MARKAZIY MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 133-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalardan. Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonada manzili: Buyuk Turon kochasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasi 00004-raqam bilan ruxsatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. «Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 3002

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.20. 1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220** (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Каерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси **220** (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Бахоси	сўм	обуна сони
Бахоси	Бахоси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Каерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ТУФИН -

ХАМИША ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

Янги йил совғалари
Байрамона тўпламлар

Энг қатта турфа навлар.
Юқсак сифат, мақбул нархлар.

Т.: (998-71) 191-36-48, 91-23-30, 191-05-52 (Факс) (998-712) 93-16-61 700076, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179 А